

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 48 (1109), 2024 йил 7 март, пайшанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news



yuz



## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ТУМАН ВА ШАҲАРЛАРИДАГИ “ЎСИШ НУҚТАЛАРИ” ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 6 март куни Тошкент вилоятининг туман ва шаҳарларидаги имкониятларни тўлиқ ишга солиш чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Тошкент вилоятида 15 та туман ва 7 та шаҳар бор. Худуд қўлай географик маконда, воҳа ва водий вилоятларини пойтахтимиз билан боғлайдиган муҳим транспорт йўлагига жойлашган.

Лекин вилоятнинг иқтисодий ривожини мавжуд салоҳиятга умуман мос эмас. На савдо, на ер-сув, на транспорт-транзит имкониятларидан тўла фойдаланилган. Баъзи кўрсаткичлар бундай қўлайликлар бўлмаган айрим чекка ҳудудлардагидан ҳам паст.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда ишга солинмаётган имкониятлар, бу борадаги сустрасиликлар кўрсатиб ўтилди.

Пойтахтимиз жадал ривожланаётгани ҳолда унинг ёнидаги вилоят ҳудудлари бу суръатдан ортада қолмоқда. Масалан, Тошкент, Зангиота, Қибрай, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ туманларида саноат ҳажми ёндош пойтахт туманларига нисбатан бир неча баробар кам. Қурилиш соҳасида ҳам шу аҳвол.

Бир қатор кичик тадбиркорлар фаолиятини тўхтатган. 29 та йирик корхонада ҳамда Бекобод ва Янгийўл шаҳарларида ишлаб чиқариш қамалган. Вилоятда экин ерлари кўп бўла туриб, Андижон билан деярли бир хил ҳажмда маҳсулот етиштирилган.

Худудларнинг бор салоҳияти даромадга айланмапти. Сабаби “ўсиш нуқталари”ни

топиш ва ишга солиш бўйича ҳокимларда ташаббус етишмаяпти. Айрим ҳокимлар ҳатто ўз ҳудудда “пастга тушмаган”, тадбиркорни қўллаб-қувватлаш, иш ўринларини кўпайтиришга ҳаракат қилмаган.

Йиғилишда вилоятдаги шаҳар ва туманлар мутасаддилари ўз фаолиятида ўзгариш қилмаса, лавозимига лойиқлиги кўриб чиқиши тўғрисида огоҳлантирилди.

Давлатимиз томонидан улар учун барча имкониятлар яратилган. Лекин ҳамма туманларда ҳам ривожланиш бир хил эмас. Хусусан, Паркент, Янгийўл, Чиноз ва Оққўрғон туманларида туризм, транзит ва иқтисодий қўлайликлар кўп бўлса-да, тараққиётдан орқада. Шу боис, Президент топшириғига мувофиқ, улардаги ҳақиқий ҳолат, имкониятлар ва тадбиркорларнинг тақлифлари ўрганилди.

Йиғилишда шу борадаги таҳлиллар, маъмур туманларнинг “ўсиш нуқталари” тақдирот қилинди.

Жумладан, Паркент туманининг хушманзара жойларида олиб борувчи йўлларни таъмирлаш, микроавтобуслар қатновини ташкил этиш, йўл бўйида савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари қуриш учун тадбиркорларга ер ажратилиш тақлиф этилмоқда. Паркентсой, Қизилсой ва Човлисейнинг муҳофаза ҳудудини аниқ белгилаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш

орқали бўшайдиган ерлардан самарали фойдаланиш ҳам мумкин.

Янгийўл туманида “лойиҳа қиламан, инвестиция олиб келаман”, деган тадбиркорлар жуда кўп. Лекин лойиҳалар учун ер топиш муаммо. Шу боис, ҳозирда бўш турган иншоотда озик-овқат ва гигиена маҳсулотларига ихтисослашган кичик саноат зонаси ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Чиноз туманида савдо-кўнгилочар мажмуа ва замонавий балиқ бозори барпо этиш, йўл бўйида савдо ва хизматларни кенгайтириш, хонадонларда иссиқхоналарни кўпайтириш каби имкониятлар ҳисоб-китоб қилинган.

Оққўрғонда саноат ривожланмагани сабабли кўплаб хотин-қизлар Тошкент шаҳри ва бошқа туманларга қатнаб, тўқимачилик корхоналарида ишламоқда. Шундай корхоналарни тумандаги бўш бинолар ўрнида ташкил қилиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари туманлар иқтисодиётини соғломлаштириш бўйича чораларни кўрсатиб ўтди. Мутасаддиларга вилоятнинг барча ҳудудларини шундай таҳлил қилиб, қўшимча “ўсиш нуқталари”ни аниқлаш, даромад манбаларини кўпайтириш вазифаси қўйилди.

Бу борада бир қатор режалар ҳам бор. Хусусан, Оҳангарон туманида Ўзбекистон — Венгрия саноат зонаси ташкил этилиб, 100 миллион долларлик лойиҳалар

жойлаштирилади. Ангрен эркин иқтисодий зонасида майиш техника, металл прокат, мева-сабзавотни қайта ишлаш бўйича 400 миллион долларлик, “Элтех индустриал” технопаркида 260 миллион долларлик лойиҳалар амалга оширилади.

Йиғилишда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиб, иқтисодий-ижтимоий лойиҳаларни жадаллаштириш масалалари кўриб чиқилди. Пойтахтдаги саноат корхоналарини босқичма-босқич шаҳардан ташқарига кўчириш режалаштирилгани, бу Тошкент вилояти учун катта имконият экани таъкидланди.

Ўзини ўзи банд қилган инсонларнинг кичик бизнесга ўтиши, фаолиятини тўхтатган тадбиркорларнинг ишини яна тиклашига кўмаклашилади. Томорқаларда Чиноз тажрибаси бўйича ихчам иссиқхоналар, кооперация асосида маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш мажмуалари ташкил этилади.

Шунингдек, жорий йилда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини 5 миллионга, туризмда экспортни камида 300 миллион долларга етказиш чоралари бўйича фикр алмашилди.

Хотин-қизлар ва ёшларни касбга ўқитиш ҳамда бандлигини таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗА

## “ЎЗБЕКИСТОН — 2030” СТРАТЕГИЯСИНИНГ УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ДОИРАСИДАГИ ИШЛАРНИНГ БОРИШИ КўРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 март куни иқтисодий ривожланиш, самарали бошқарув ва халқро ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатчи Сума Чакрабарти билан учрашув ўтказди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг бориши ва уни жорий йилда амалга ошириш бўйича Давлат дастурининг ижроси кўриб чиқилди. Ўзбекистоннинг ЖСТга кириш бўйича музокаралар жараёни доирасидаги ишларни фаоллаштириш, жумладан, миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ташкилот талабларига уйғунлаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Ичимлик сув таъминоти, мактаблар инфратузилмасини яхшилаш, онкологик касалликларнинг олдини олиш, давлат хизматиде сифатни ошириш ва рақобатни

таъминлаш борасидаги лойиҳалар бўйича аниқ амалий чораларни давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

Учрашувда Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, жумладан, инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш масаласига эътибор қаратилди. Шу маънода, маслаҳатчи илгор халқро амалиётини ҳисобга олган ҳолда тижорат низоларини ҳал қилишнинг аниқ механизмларини тақлиф этди.

ЎЗА

### Биз ва дунё

## ЖАҲОН ТУРИЗМ САНОАТИДА МУҲИМ ВОҚЕЛИК



ХОРИЖИЙ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ЭКСПЕРТЛАР  
“2027 ЙИЛ — ХАЛҚАРО БАРҚАРОР ВА ЯШОВЧАН ТУРИЗМ ЙИЛИ”  
РЕЗОЛЮЦИЯСИ ҲАҚИДА

Давоми 2-бетда

### Ифтихор

## ГУЛЛАР ВОДИЙСИДА УМИДЛАР ЎСАР

Киши туғилиб ўсган ватани, халқи учун хизмат қилиши шарт. Бу унинг фарзандлик фарзи ҳисобланади. Шу боис, хизмати учун инсон бирон манфаат кутмайди. Ҳалол меҳнат билан оила тебратиб, эл-юрт олдида юзи ёруғ бўлса, етарли деб ҳисоблайди.

Инсон қадри ҳамма нарсадан устун бўлган мамлакатларда фуқароларнинг ана шу оддий меҳнати ҳам юксак қадр топади. Ўрни келганда рағбатлантирилади.

Президентимиз фармони билан “Меҳнат шуҳрати” орденини олганим ҳақидаги хабарни эшитганимда қувончдан кўнгим ёришди. Қувонч ва ҳаяжон аралаш ажиб бир туйғуни ҳис этдим... Бу ҳаяжон ва қувончнинг сўз билан ифодаб бўлмайди.

Шу билан бирга, олти йиллик меҳнат фаолиятим кўз олдимдан ўтди. Ўтган ярим асрдан зиёда вақт ичида мен туғилиб ўсган диёр, қадим ва навқирон Тўртқўл, Қорақалпоғистон халқи қувончли дамлар билан бирга синовларни ҳам бошидан ўтказди. Биласизми, Тўртқўл тўрт томонидан қўл деган маънони беради. Бир пайтлар дарё тошгани боис, қадимги тўртқўлликлар бир оз юқорига қўчишга мажбур бўлган. Кейинчалик Орол муаммоси бошланди. Сув танқис

бўлди. Тўртқўл чўлга айланди. Халқимиз ҳаётсеварлиги боис, ўша пайтларда туманимизни чўл эмас, Тўртқўл деб атар эди. Кўннинг дуоси кўл дегани шу бўлса керак, бугун Устюрт кенгликлари ростдан ҳам гуллаяпти. Орол денгизининг қуриган жойлари ўрнида халқимизнинг орзуларидай ниҳоллар кўклай бошлади. Шу ҳақида ўйлаганимда ватан мадҳи учун ёзган шеърим ёдимга тушади:

“Гуллар водийсида умидлар ўсар,  
Уйларнинг тўртини бешиклар безар,  
Оқ тонларни қутиб шамоллар эсар,  
Оналари суюқ Ўзбекистоним,  
Келажоғи буюк Ўзбекистоним!”

Дарҳақиқат, бир пайтлар суви чекинган Орол ўрнида бугун умид ўсмоқда. У яқин йилларда қаттагина ўрмон бўлиб бўй кўрсатади.

Давоми 2-бетда

### 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

## АЁЛЛАРИ БАХТЛИ ЮРТНИНГ ЙўЛИ ЁРУҒ, ИСТИҚБОЛИ ЧАРОҒОНДИР

Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш мамлакатимиздаги ислохотларнинг бош мақсади. Жамият ва давлатнинг қай даражада халқпарвар ҳамда адолатли экани эса хотин-қизларга бўлган муносабат ва ғамхўрлик билан белгиланади. Шу боис, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатини таъминлаш, ўқиши, ишлаши, саломатлиги, оиласи учун шароитлар яратиш масаласи тараққиёт йўлини кўзлаган ҳар бир давлат сиёсатида устувор ўрин эгаллайди.



Бундай эзгу мақсад ривожланишнинг юксак марраларини кўзлаб илгарилаб бораётган янги Ўзбекистон сиёсатининг ҳам устувор йўналишига айланган. Кейинги йилларда ҳуқуқий-ташқил, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳаларда амалга оширилаётган муҳим чора-тадбирлар бунга



мисол бўла олади. Хусусан, сўнгги йилларда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қатор институционал ўзгаришлар амалга оширилди.

Президентимизнинг 2022 йил 7 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли



қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони бу жаҳодаги ишлар кўламини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Давоми 3-бетда

### Таълим одимлари

## ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИ ЕТУК ВА БИЛИМЛИ ЁШЛАР ҚўЛИДА

Биз яшаб турган заминдан дунё илм-фани тамаддунига бекиёс ҳисса қўшган улуғ алломалар кўп етишган. Беруний, Ибн Сино, Мухаммад Хоразмий, Мирзо Улўғбек, Аҳмад Фарғоний каби боболаримизнинг ақл-заковати ва буюк кашфиётлари дунё аҳлини хануз хайратга солиб келмоқда. Илм-фан соҳасидаги уйғонишлар — Биринчи ва Иккинчи Ренессанс айнан бизнинг диёримизда вужудга келгани ҳам ҳақиқат. Бугунги навқирон авлод орасидан ўша аждодларимиз яратган ихтирою кашфиётларни такрорлашга қодир ёшлар етишиб чиқишига пухта замин ҳозирланмоқда.

Президентимиз раислигида 5 февраль куни ижтимоий соҳалардаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишидан сўнг юқоридаги фикрлар ҳаёлимдан ўтди. Йиғилишда устувор вазифалар бир мақсадга — таълим сифатини замон талаби даражасида ташкил этишга қаратилди. Бунга эришиш учун таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, педагог-мураббийлар маҳоратини ошириш, таълимга инновацион техникаларни жорий

этиш, ўқувчилар билимини баҳолашнинг янги тизимини яратиш, ўғил-қизларни касб-хунарга йўналтириш муҳим аҳамият касб этади.

Жиззах вилоятида мавжуд 558 та таълим муассасасида ёшларга билим бериш учун етарли шароит ва имкониятлар яратилган. Умумий ўрта таълим мактабларида таҳсил олаётган 266 минг 796 ўқувчига 23 минг 232 ўқитувчи сабоқ бермоқда. Ўтган йили 141 та таълим масканида қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилди. Бу ишларга 105 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Конституциямизга мувофиқ, замонавий ва сифатли билим олишга ҳар бир ўқувчи ҳақли. Демак, ўқитувчи бунинг улдасидан чиқиши — ўз устида ишлаши лозим. Ўқувчиларнинг илгор технологиялар асосида билим олиши муҳим. Бунинг учун ўтган йили вилоятдаги 223 та умумий ўрта таълим мактаби 3557 та замонавий компьютер техникаси, 44 та мактаб электрон доска, 14 мактаб эса робототехника воситалари билан таъминланди.

Давоми 5-бетда

### Хотира уйғонса гўзал

## Фарғонанинг



6



Ифтихор

ГУЛЛАР ВОДИЙСИДА УМИДЛАР ЎСАР



Гулистон АННАҚИЛИЧЕВА, “Қорақалпоқ адабиёти” газетаси бош муҳаррири, “Меҳнат шуҳрати” ордени соҳибаси

Бошланиши 1-бетда

Тан олиш керак, бугун Қорақалпоғистон жадал ривожланаётган ҳудудга айланиб улгурди. Биргина янги Мўйноқ мисолида халқимиз қалбига умид, эртанги кунга ишонч уйғонди. Ишлаб чиқариш, сайёҳлик ва бошқа кўплаб соҳалардаги жиддий ўзгаришлар мўйноқликларнинг ҳаётида туб бурилиш ясади.

Бир вақтлар Қорақалпоғистон қорақўлчиликда етакчи эди. Кейинчалик табиئاتдаги муаммолар сабаб бу соҳа ҳам йўқликка юз тутганди. Охириги йиллардаги ўзгаришлар сабаб даштлардаги қудуқлар қайта ўзлаштирилди. Улардан сув

чиқиши билан чорвачилик ривож топа бошлади. Мана энди яна қорақўлчиликка катта эътибор қаратилмоқда. Шунинг ўзиёқ даштда, чорва билан кун кўрадиган оддий одамларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этмоқда.

Президентимизнинг Оролбўйида туризмни ривожлантириш билан боғлиқ ташаббуслари ҳам самара берди. Бугун нафақат юртимиз ва қўшни давлатлар, балки дунёнинг турли минтақаларидан келаётган меҳмонларнинг катта қисми айнан Қорақалпоғистонни кўриш учун келаётгани одамни қувонтиради. Халқ орасида туя чўқди, деган ибора бор. Туя икки ҳолатда чўқади. Бири қорни тўйганида. Иккинчиси, қарвонсаройга етганида. Бугун ана шу икки сабаб туфайли ҳам Қорақалпоғистонда туялар чўқмоқда. Юқорида айтганимиздек, қудуқлар қазилиб, яйловларимиз обод бўлди. Ислохотлар самараси ўлароқ ишлаб чиқариш,

тадбиркорлик, туризм каби иқтисодиётнинг драйвер соҳалари ривожланмоқда. Натижа ҳам шунга яраша қувончли. Қадим ибора билан айтганда, дунёнинг тижорат аҳлини ўзига ром этадиган қарвонсаройига айланаяпти.

Бу йил баҳор Қорақалпоғистонга бошқача келди. Давлатимиз раҳбари Хоразмга ташрифи чоғида янги бунёд этилган кўприкни очиб берди. Дўстлик кўприги халқимиз учун жуда катта туҳфа бўлди. Бу иншоот нафақат масофани, балки дилларни ҳам яқинлаштирди. Шу пайтгача одамлар ўтган асрнинг эллигинчи йилларидаги эски понтон кўприкдан фойдаланиб келарди. Доим баҳорда муз эриб, дарёда сув кўпайиши билан у жиддий шикастанарди. Бу дарёнинг икки томонидаги аҳолига қийинчилик туғдирарди. Масалан, Амударё тумани аҳолиси автомобилда Нукусга бориш учун Урганч ва Беруний орқали юришга



мажбур эди. Бунинг учун қўшимча 180 километр йўл босишга тўғри келарди. Поездда эса Хоразмнинг шарқ томонидаги Ҳазорасп кўпригидан ўтиб келинарди. Янги кўприк сабаб шу муаммолар ҳал бўлди.

Президентимиз кўприк очилишида Қорақалпоғистон халқи билан ҳам учрашди. Ушбу самимий мулоқот давомида давлатимиз раҳбарининг “Оролбўйи минтақасини, хусусан, Қорақалпоғистон Республикасини ривожлантириш, аввало, экологик инқироз оқибатларини юмшатиб, мураккаб вазиятда яшаётган аҳолимизга қулай шароитлар яратиш мамлакатимиз тараққиёт стратегиясининг бош мақсадларидан биридир. Илгари ҳам айтганимиздек, Қорақалпоғистоннинг тақдири — бу Ўзбекистоннинг тақдири, қорақалпоқ халқининг бахти ва фаровонлиги — бу бутун Ўзбекистон халқининг бахти ва фаровонлигидир. Бугун мана шу эзгу мақсадни амалга ошириш йўлида яна бир улкан қадам қўймоқдамиз”, деган самимий гаплари қалбимиз тўридан ўрин олди. Халқимиз қайфиятини янада кўтарди. Эртанги кунга ишончимиз мустаҳкамланди.

Бъазан инсон қадри нима деб ўйлайман. Инсон меҳнатига яраша рағбат олса, салоҳиятидан етарлича фойдаланишга имкон берилса. Айнан шу жиҳатлар орқали у ижтимоий ҳимояда бўлади. Иқтисодий аҳволини яхшилайдиган, орзу-истакларини рўёбга чиқаришга қодир бўлади. Аслида, инсоннинг қадр тоғгани шу.

Бундан 7-8 йил аввал Қорақалпоғистонга келган киши ҳозир Нукус кўчаларидан тортиб, олис янги Мўйноқ массивидаги ўзгаришларни кўриб ҳайратланиши тайин. Буларнинг барчаси инсон қадри йўлида бажарилаётган амалий ишлар, ислохотлар самарасидир.

Муносабат

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ, САБРУ ТОҚАТНИНГ МУКОФОТИ

Келин бўлиб тушган хонадоним хунармандлар оиласи. Бизнинг оиладан эса ҳайкалтарош, расмолар етишиб чиққан. Ака-опаларим сингари мен ҳам расм чизишга, яратувчанликка интилар эдим. Шу боис, қайнонам дўппи, тўн тикканида гул тасвирларини, қўл ҳаракатларини тез илғаб олардим. Қисқа муддатда дўппидўзликни ўрганиб олдим. Турмуш ўртоғим ҳарбий бўлгани учун турли ҳудудларга қўчиб яшашимизга тўғри келди. Ўша жойларда болалар боғчаларида ишлаб, сувенир дўппи, қўғирчоқлар тикиб, болаларни ўйнатар эдим. Қўлим тобора келишиб, хунаримга меҳрим ошиб бораверди.



Майрамхон ЭРГАЗИЕВА, дўппидўз, “Дўстлик” ордени соҳибаси

Турмуш ўртоғим нафақага чиққанидан кейин хунармандлик билан астойдил шуғулланишга қарор қилдик. “Хунарманд” уюшмасига аъзо бўлдик. Қарангки, биз аъзо бўлишимиз биланок Марғилонда ипакчилик фестивали ўтказилди. Фестиваль доирасида ўтказилган хунармандлик кўргазмасига биз ҳам таклиф қилиндик. Уша пайтдаги имкониятимиз учун анчагина бўлган махсуслотларимизни икки кунда сотиб бўлиб, яна совга-саломлар билан қайтганимиз бизни

руҳлантириб юборди. Шу тариқа фаолиятимизни янада кенгайтириш, янги маҳсулотлар яратишга киришиб кетдик.

Ҳар йили кўргазмалар, тадбирлар, байрамларда қатнашиб, харидорлар эътиборини тортиқ, ўзаро тажриба алмашиб, савдо-сотқ борасида таниш-билишлар орттирдик. Республикаимизнинг барча ҳудудларини кездик, ҳар ернинг ўз қадриятлари, аъналарини ўзига хослигини хунармандларнинг қўл меҳнатларида кўрдик, ҳис қилдик. Энг муҳими, улар билан тажриба алмашдик.

Ўзимиз яшаётган ҳудуддаги таълим муассасаларининг барчаси, хунар мактаблари таклифлари билан учрашувлар ўтказиб, ёшлар учун маҳорат дарслари ташкил қиламиз. Шогирдликка келадиганларга эшигимиз доим очик. Ёш авлодга миллий хунарларимизни ўргатишни энг савобли, хайрли иш деб биламиз. Андижон вилояти ҳокимлиги ҳам меҳнатларимизни қадрлаб, имтиёзли кредит асосида кўп қаватли уйлардан хонадон олишимизга яқиндан амалий ёрдам кўрсатди. Буни қарангки, энди меҳнатимиз республика миқёсида ҳам қадрланиб, Президентимиз, давлатимиз эътиборига тушибди.

Бизга кўнгирок қилиб, “пойтахтга боришларинг керак”, дейишганида, “Дўстлик” ордени билан тақдирландингиз, деган хабарини эшитганимда, тўғриси, ниҳоятда тўлқинланиб кетдим. Кўргазмаларда ҳамisha мен билан бирга иштирок этадиган турмуш ўртоғимнинг ҳам кўзидан ёш чиқиб кетди.

Ахир давлатимиз раҳбарининг эътиборига тушиб шунақча эмас-да! Ҳалол меҳнат, сабр-тоқатнинг, албатта, мукофоти бор эканига яна бир қарра ишондик.

Биз ва дунё

ЖАҲОН ТУРИЗМ САНОВАТИДА МУҲИМ ВОҚЕЛИК

ХОРИЖИЙ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ЭКСПЕРТЛАР “2027 ЙИЛ — ХАЛҚАРО БАРҚАРОР ВА ЯШОВЧАН ТУРИЗМ ЙИЛИ” РЕЗОЛЮЦИЯСИ ҲАҚИДА

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган “2027 йил — Халқаро барқарор ва яшовчан туризм йили” резолюцияси кенг жамоатчилик, эксперт ва таҳлилий доира вакиллари, БМТнинг ихтисослашган агентликлари ва халқаро ташкилотларнинг юқори қизқишига сабаб бўлаётир.

Хусусан, “BNN Breaking” халқаро ахборот агентлиги мазкур ҳужжатнинг қабул қилинишини “жаҳон туризм секторидagi муҳим воқеа” сифатида баҳолади. Таъкидлашчи, БМТ томонидан 2027 йил Халқаро барқарор ва яшовчан туризм йили, деб эълон қилиниши сайёҳлик сановати олдидан турган мураккаб муаммоларни тан олиш ва ҳал қилиш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Резолюция янада барқарор, яшовчан ва инклюзив туризм секторини яратиш учун ҳамкорлик ҳамда инновацияларни рағбатлантириб, келажақ учун аниқ йўналишларни белгилаб беради.

“Халқаро барқарор ва яшовчан туризм йили иқтисодий ўсиш, атроф-муҳит муҳофазаси ва ижтимоий адолат ўртасидаги уйғун мувозанатга интилиб, сановатнинг сайёрамиз ҳамда унинг аҳолисига таъсирини қайта аниқлаш учун ноёб имконият тақдим этади”, дейилади “BNN Breaking” тарқатган мақола хулосасида.

Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВТО) 2027 йилнинг Халқаро барқарор ва яшовчан туризм йили, деб эълон қилиниши туризмнинг барча учун яхшироқ дунё барпо этишдаги ролининг аққол эътирофи эканини таъкидлади. “Бу сайёҳлик кучли ва ҳар қандай қийинчиликларга самарали дош бера оладиган даражада хилма-хил бўлишини таъминлаш учун биргаликда ишлаш имкониятидир”, дейилади ташкилот хабарида.

ЮНВТО, шунингдек, Ўзбекистонга ва ушбу ҳужжатнинг 80 дан ортиқ бошқа

ҳаммуаллифлариға резолюция ташаббускорлиги ва қўллаб-қувватлаганликлари учун самимий миннатдорлик билдирган.

БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилотининг (ФАО) Тоғлар бўйича ҳамкорлик гуруҳи порталида эълон қилинган мақолада ёзилишича, тоғ туризми барқарор бошқарилса, маҳаллий ҳамжамиятларнинг даромадини ошириш ва уларнинг табиий ресурслари ҳамда маданиятини сақлаб қолишга ёрдам беради.

Шу муносабат билан Халқаро барқарор ва яшовчан туризм йили барча давлатлар, БМТ тизими ва бошқа тузилмалар учун сайёҳликнинг барча даражаларида, жумладан, тоғли ҳудудларда туризмни ривожлантириш ва тарғиб қилиш воситаси сифатида фаолият юритиш ҳамда барқарор ривожланишни жадаллаштириш учун ноёб имконият экани таъкидланади.

Қайд этилишича, туризм индустрияси (туристик ассоциациялар, компаниялар, туроператорлар) вакиллари Ўзбекистон ташаббусини илққ кутиб олган.

Барқарор туризмни ривожлантиришга ихтисослашган “GUAVA” сайёҳлик компанияларининг йирик тармоғи Бош Ассамблея резолюциясининг қабул қилинишини юқори баҳолади. Агентлик раҳбари Габриэл Тан ўз баёнотида туризм сектори жаҳон ялпи ички маҳсулотига салмоқли ҳисса қўишини, бутун дунё бўйлаб 300 миллиондан ортиқ кишини иш билан таъминлашини таъкидлади. Унинг айтишича, санавт БРМ мақсадларига эришиш учун калит ҳисобланади ва туризм секторини ўзгатиришга қаратилган сайёҳ-ҳаракатлар жуда муҳимдир.

“GUAVA Net-Zero” компанияси экотизмидан глобал стратегик ҳамкорлири билан биргаликда резолюцияни амалга ошириш ва туризм орқали Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича халқаро сайёҳ-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга тайёрлигини тасдиқлади.

Халқаро амалий фанлар университети профессори, меҳмонхона бизнесида барқарорлиқни таъминлаш бўйича кўплаб маърузалар муаллифи Вили Легранд ушбу муҳим резолюциянинг қабул қилиниши билан самимий табриклар экан, мазкур ҳужжатнинг академик доира вакиллари ва таълим муассасалари талабалари учун муҳим аҳамияти ҳақида тўхталди ўтади.



“Ушбу янгилик ҳақиқатан университетлар битирувчилари келажақда бажариши керак бўлган вазифаларни қонунийлаштиришда кучли туртки бўлиб, айни пайтда туризм сановатининг барқарор ривожланишини таъминлашдаги асосий ролини эътироф этади”, деди у.

Бош Ассамблея резолюциясига кўра, Халқаро барқарор ва яшовчан туризм йилини мувофиқлаштириш ва амалга ошириш вазифалари ЮНВТО зиммасига юкланган бўлиб, у ўз навбатида, Халқаро йил учун аниқ вазифаларни белгилаб берувчи стратегик режалар ҳамда “Йўл харита”ларини ишлаб чиқари.

Ушбу резолюцияни амалга ошириш бўйича ЮНВТонинг тегишли ҳужжатлари қабул қилиниши кутилмоқда. Шунингдек, Халқаро йил муносабати билан йирик глобал ва минтақавий форумлар ва тематик тадбирлар ташкил этилади, жаҳоннинг етакчи оммавий ахборот воситаларида кенг қўлғамли ахборот кампаниялари олиб борилади, жаҳон ҳамжамиятининг хабардорлигини ошириш ва туризм индустрияси институтларининг салоҳиятини оширишга қаратилган турли лойиҳа ва дастурлар амалга оширилиши кўзда тутилган. Ижтимоий-иқтисодий ва экологик фаровонлиқни таъминлашда туризмнинг афзалликларини очиб беришга бағишланган илмий нашрлар чоп этилади.

Миллий, минтақавий ва глобал миқёсда амалга оширилган ишлар натижаларига кўра, ЮНВТО 2028 йилда Бош Ассамблеяга батафсил ҳисобот тақдим этади.

“Дунё” АА  
Нью-Йорк

Инсон қадри учун

МУҲТОЖГА МАДАД — ЭЗГУ ОДАТ

Кучли ижтимоий ҳимоя мамлакатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири. Бу борада қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорлар мазкур йўналишдаги ишларни мувофиқлаштириш, муассаса ва ташкилотлар вазифаларини аниқлаштиришга хизмат қилади.

Бугун одамларни иш билан таъминлаш, бирор-бир фаолият турига жалб этишининг энг самарали йўли — уларни касб-хунарга ўқитиш экани юртимиз тажрибасида аққол намоён бўлмоқда.

Қайд этиш керакки, ўтган қисқа вақт ичида ёшлар, айниқса, ишсиз аҳоли қатламини бу жараёнга жалб қилиш, келгусида олий таълимни давом эттириш ёки эътирмаслигиндан қатъи назар, уларга асқотадиган бирор хунарни ўргатиш, эгаллаган касби бўйича бўш иш ўринлари яратиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бунда ногиронлиги бўлган шахсларга алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор.

Хусусан, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида ҳам бу масала ўз аксини тоғгани аҳамиятлidir.

Давлат дастурининг 23-мақсадида ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш бўйича янги тизимни шакллантириш, улар учун қулай ва мақбул муҳитни яратиш борасида қатор вазифалар белгиланди. Хусусан, ногиронлиги бўлган шахсларга муносиб иш ўринлари яратиш орқали бандлигини таъминлаш, нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб қилиш учун буюртма лойиҳаларини амалга ошириш шулар жумласидан.

Ижтимоий хизмат ва ёрдамни маҳалла даражасида ташкил этиш, эҳтиёжманд тоифани аниқлаш бўйича янги мезонлар ишлаб чиқиш, ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, бино ва иншоотлар, жамоат транспорт, бека, чорраҳаларда улар учун тўсқинсиз муҳит яратиш каби масалалар давлатимиз раҳбари раялигини жорий йил 20 февраль куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ҳам кўриб чиқилган эди.

Аҳамиятлиси, йиғилишда ногиронлиги бўлган шахсларни касбга ўқитиш, ишга жойлаш ва спортга жалб қилиш бўйича миллий тизим яратилиши қайд этилди. Дарҳақиқат, бугун ногиронлиги бўлса-да, давлат томонидан яратиб берилган шароитлар туфайли касб ўрганиб, яхши даромад топаётган, оиласига, жамиятга фойда келтираётганлар кам эмас.

Инсон борки, орзу-умид билан яшайди. Ўзига берилган умрни мазмунли ўтказишга ҳаракат қилади, ҳаёт берган имкониятлардан тўлақонли фойдаланишга интилади. Гарчи баъзи имкониятлари чекланган бўлса-да.

Ана шундай юртдошларимиздан бири пойтахтимизда истиқомат қилаётган Ёқутхон Норматова. У тўрт йилдан буён қўл меҳнати орқали бежирим, бетакор гулдасталар ясаб билан шуғулланиб келмоқда. Унинг айтишича, бу касб нафақат ҳаёти мазмунинга, балки доимий даромад манбаига ҳам айланиб улгурган.

— Инсон қачон бахтли бўлади? Қачонки, унинг ўз олдига қўйган эзгу мақсади бўлса, — дейди Ё.Норматова. — Инсонни бекорчилик адо қилади. Ҳамма бўлмағур нарсалар, хусусан, касалик, жиноятчилик ва бошқа нохуш иллатларнинг асоси ҳам бекорчилик. Меҳнат эса умидсизликнинг олдини олишга, эртанги кунга ишонч билан боқишга замин ятади. Энг муҳими, кунлик даромадининг бўлади. Давлатимиз раҳбарининг соҳага қаратаётган эътиборидан жуда хурсандман. Ўтган ҳафта ўтказилган видеоселектор йиғилишини кўриб, берилаётган имкониятлардан қувондим. Имкониятни таъминлаш, нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб қилиш учун буюртма лойиҳаларини амалга ошириш шулар жумласидан.

Ўзбекистон Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга 2021 йилда қўшилган. Мамлакатимизда бизга ўхшаган кишиларни ишга олган корхона ва ташкилотлар учун бир қатор имтиёзлар берилган. Лекин кўп муассасалар, кўчалар ва бекатлар имконияти чекланган шахслар ҳаракатланишига мослашмагани учун қийинчиликларга дуч келаётган эдик.

Шу боис, энди ногиронлиги бўлган шахсларни ўқитиш, ишга жойлаш ва спортга жалб қилиш бўйича миллий тизим яратилган бўлди. Шу билан бирга, ногиронлиги бўлган шахсларга ишлаш ва касб-хунарга ўқишда тўсқинсиз муҳит яратиш учун уларнинг “меҳнатга лаёқатини белгилаш” амалиётидан воз кечилади. Бунда ногиронлик касаликка қараб эмас, балки шахснинг мустақил ҳаракати, мулоқот қобилияти ва ижтимоий ҳаётдаги иштирокига қараб белгиланиши жуда муҳим.

Бугун мамлакатимиз, том маънода ижтимоий давлатга айланмоқда. Ёқутхон эгаллаган касби орқали нафақат оиласини тебратмоқда, балки ўзи каби хотин-қизларга ушбу хунарни ўргатиб келмоқда. Бу борада олиб борилаётган ишлар эса унга ўхшаган кўплаб юртдошларимизни ҳаётда янгича умид билан яшашга илҳомлантиряпти.

— Айни пайтда юртимизда бир миллионга яқин ногиронлиги бўлган шахслар истиқомат қиялпти, — дейди Ўзбекистон Ногиронлар жамияти раиси Комил Абдуллаев. — Бу мамлакатимиз аҳолисининг 2-2,3 фоизини ташкил этади. Президентимиз видеоселектор йиғилишида бу борадаги жуда муҳим вазифаларга эътибор қаратди. Жумладан, 2024 йил 1 июндан ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини аниқлаш тартиби ва улар билан ишлаш тизими ўзгарди. Бунда эҳтиёжманд тоифани аниқлаш бўйича мезонлар ишлаб чиқилади ва уларнинг айнан қандай ёрдамга муҳтожлиги аниқ белгилаб берилади. Муҳтожларнинг ҳар бири бўйича индивидуал ижтимоий хизматлар дастури бўлади.

Мазлумки, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузурида мономарказлар ташкил этилган. Бу марказлар талабгорларни 40 дан ортиқ касб-хунарга ўқитаяпти. Ногиронлиги бўлган шахслар ҳам айнан шу ерда касб-хунар ўрганмоқда. Эътиборли жиҳати, улар қисқа вақт — уч ой давомида битта касбнинг асоси бўлиб чиқаяпти.

Яна бир янгилик: эндиликда мономарказларда ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олиши учун қулай муҳит ва инфра-тузила яратилиб, уларга стипендия тўлаш тартиби жорий этилади. Улар яратган касаначилик ва хунармандчилик махсуслотларини электрон платформа орқали сотиш йўлга қўйилади.

Шунингдек, ходимларининг 50 фоизда ногиронлик бўлган тадбиркорларга давлат буюртмачилари билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш имконияти берилади. Бундай шахсларни касбга тайёрлайдиган 4 та ихтисослашган мактаб санавт тармоқларига бириктирилади.

“Инсон қадри учун” ибораси жамиятнинг ҳар бир фўқаросига дахлдор ва албатта, ногиронлиги бўлган шахслар ҳам бундан мустасно эмас. Шундай экан, уларга қулай шароит яратиш, таълим-тарбия бериш, касб-хунар ўргатиш масаласи доимий эътиборда бўлиб қолаверади.

Лутфулла СУВОНОВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири







2024 йил 7 март, 48-сон

Янгича ёндашувлар

ФЕРМЕР ПАХТАСИННИ БИРЖАДА СОТАДИ

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,  
шарҳловчи

“Деҳқоннинг косаси оқарди” ёхуд аксинча “оқармади” деган азалий нақл бор. Бу унинг йил-ўн икки ой қилган меҳнати натижасига қараб айтилади. Пахтачиликда ҳам натижанинг ижобий томонга посонга босиши шудгорлаш, уруғ танлаш ва экиш, ўғит бериш, парваришлаш, ҳосилни йиғиб-териб олиш жараёнларидаги харажатларнинг қопланиши, хомашёнинг харид миқдори каби жиҳатлар билан узвий боғлиқ. Яна бир томони, кластер ва фермерлар ўртасида ҳисоб-китоб интизомида белгиланган ҳуқуқий норма, шартномаларга тўла риоя этилиши зарур. Акс ҳолда, деҳқон косаси яна оқармай қолаверади.

Хуллас, кластер ва фермер ўртасида пахта етиштириш юзасидан тузилаётган шартнома ҳар икки томон манфаатига тўла мос келиши керак. Негаки, фермер ўз пешона тери билан етиштирган ҳосилни ўзи истаган нархда сота олмас экан, қилган харажатларига қуйиб қолаверади.

Масалан, 2023 йилда 20 та кластерда ҳисоб-китоб жойида бўлса, 122 та кластернинг Қишлоқ ҳўжалиги жамғармаси олдида қарздорлиги бор, 27 та кластер эса фермерларга 2022 йил пахта ҳосилидан тегишли маблағларни тўлаб бермаган, 6 та кластернинг ишлаб чиқариш қуввати йўқ бўлса-да, уларга имтиёзли кредит ажратилган.

Ўтган йил 23 ноябрь куни Президентимиз раислигида ўтказилган йиғилишда кластерларни ташкил этиш, улар билан фермерлар ўртасидаги муносабатлар бўйича янги тизим жорий қилиниши белгиланди. Энди янги кластерларга молиявий кўрсаткичлари, ишлаб чиқариш қувватлари ва техника таъминоти бўйича талаблар қўйиладди ва очиқ танлов орқали танланади. Улар камида икки босқичли қайта ишлашни йўлга қўйган бўлиши шарт.

Фермерлар бир вилоят ичидаги хоҳлаган кластери билан фьючерс шартномаси тузиши мумкин. Улар ушбу шартномадан ортган ҳосилни биржа орқали сотишига ҳам имконият яратилади. Шунингдек, келгуси йил ҳосили учун пахта етиштиришга 60 фоиз бўнак қўринишидаги имтиёзли кредитлар тўғрисида-тўғри фермерларга ажратилади. Кластерлар эса етиштирилган пахтани сотиб олиш ва терим учун маблағ бериш орқали молиялаштирилади. Чуккур қайта ишлашга ҳам алоҳида маблағ ажратилади. Мутасаддиларга кластер ва фермер ҳўжаликлари молиялаштиришнинг янги тартибини йўлга қўйиш, улар ўртасидаги дебитор-кредитор қарздорлигини ҳал этиш бўйича топшириқлар берилди.

Орадан кўп ўтмай, 2023 йил 12 декабрь кунли давлатимиз раҳбари имзолаган “Қишлоқ ҳўжалигида эркин бозор муносабатларини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонда йиғилишда илгари сурилган янги тартиб-қоидалар ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди.

— Унга кўра, 2024 йил ҳосилидан пахта етиштирувчи ҳўжалик ва кластерлар ўртасида пахта етказиб бериш бўйича фьючерс шартномалари тупроқ ҳосилдорлиги нормативлари доирасида Республика товар-хомашё биржасининг пахта хомашёси секциясида ҳар бир ҳудуд бўйича алоҳида ўтказиладиган

савдолар натижасига кўра тузилиши белгиланди, — дейди қишлоқ ҳўжалиги фанлари доктори, профессор Одилжон Иброҳимов. — Шу билан бирга, 2024 йил ҳосилидан пахта етиштириш, унинг йиғим-терими ва харидини Қишлоқ ҳўжалигини давлат томонидан қўлаб-қувватлаш жамғармасининг кредит ресурслари ҳисобидан молиялаштиришнинг янги тартибига биноан, фьючерс шартномаси тузган етиштирувчи ва уруғчилик субъектларига ҳар йили 1 октябрдан, пахта етиштириш учун пахта қийматининг 60 фоизигача йиллик 10 фоизда 14 ойга, жумладан, 12 ойлик имтиёзли давр билан кредит ажратилади.

Кластерларга ҳосил хариди бўйича якуний ҳисоб-китоб учун пахта қийматининг 80 фоизгача йиллик 10 фоизда 10 ойга, жумладан, 6 ойлик имтиёзли давр ва охириги 4 ой давомида тенг улушларда қайтаришлари, ижара ҳуқуқи мавжуд бўлган ер участкасида пахта етиштириш учун — ҳосил қийматининг 60 фоизгача йиллик 10 фоизда 24 ойга, жумладан, 18 ойлик имтиёзли давр ва охириги 6 ой давомида тенг улушларда қоплашлари шарт қилиб қўйилди. Йиғим-терим учун пахта қийматининг 20 фоизгача йиллик 10 фоизда 12 ойга, жумладан, 3 ойлик имтиёзли давр ва охириги 9 ой давомида тенг улушларда қайтариш шартли билан кредит ажратилиши белгиланди. Фьючерс шартномасига асосан, етиштирувчилардан қабул қилинган пахта учун тўловларнинг 80 фоизи пахта қабул қилиб олинган кундан бошлаб 3 иш кунидан кечиктирмасдан, қолган қисми молия йилининг 31 декабрь кунигача амалга оширилади.



— Фармоннинг яна бир муҳим жиҳати, эндиликда фермер ўзи етиштирадиган пахтани биржага жойлаштиради ва бандароқ нарх таклиф этган вилоят ичидаги кластер билан фьючерс шартномасини туза олади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Барно Мирзамова. — Шартноманинг бошланғич қиймати Нью-Йорк биржасидаги пахта толасининг охириги 12 ойдаги ўртача нархи асосида белгиланиши фермер учун қулайлик туғдиради. Пировардида фермер ўзи етиштирган ҳосилни харидорга арзон бериб юбормайди, балки биржа кўтарган нархда қимматроқ сотади. Бу тизим бозор иқтисодиётининг пахтачиликда қўлланиладиган энг замонавий усули саналади.

Яна бир эътиборли томони, фьючерс шартномасидан ортиқча етиштирилган пахта хомашёси ёки ундан олиннадиган бирламчи ва иккиламчи маҳсулотларни фермер ҳўжаликлари тўғрисида-тўғри битим тузган кластерга ёки биржа орқали инсталган субъектга сотиши

белгиланган. Бу ҳам жуда тўғри ва адолатли қарор. Чунки фермер оиласи, яқинлари билан не машаққатларда етиштирган ҳосилдан барака топиши керак-ку?! Шартнома ўз йўлига, ундан ортиқчасини истаса кластерга, истаса бошқа субъектга сотиш эркинлиги берилганининг ўзи фермер даромадини ошириши тайин.

Агар фермер пахта хомашёсини ўз маблағи, жумладан, тижорат кредитлари ҳисобидан етиштирган бўлса-чи? Бунда пахта хомашёси ва ундан олиннадиган бирламчи ҳамда иккиламчи маҳсулотларни биржада эркин сотади. Бу тартиб унга ҳам, хомашёни сотиб олаётган ҳўжалик субъектига ҳам даромад келтиради.

Фармонда 2024 йил 1 майгача жорий мавсумдан электрон тарози орқали қабул қилинган пахта ва ундан ишлаб чиқарилган толани автоматлашган мажбурий ҳисобга олиш тизими жорий қилиниши, 2024 йил 1 январдан кластерларда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари таъбиқ этилиши, нуфузли халқаро аудиторлик ташкилотларини жалб қилган ҳолда, улар фаолияти самарадорлиги ва молиявий кўрсаткичларини мустақил ташқи аудитдан ўтказиш чоралари қўрилиши ҳам белгиланди. Бу талабларнинг амалга оширилиши уларнинг молиявий аҳволини ҳаққоний баҳолайди, сарагини саракка, пучагини пучакка чиқаради.

### Оз харажат — соз манфаат

Президентимиз раислигида шу йил 12 февраль кунли қишлоқ ҳўжалигида ишга солинмаган янги заҳираларни сафарбар этиш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида яна фермерлар манфаатдорлиги масаласида алоҳида эътибор қаратилди. Бугунги кунда янги тартиб асосида, пахта хомашёси биржа орқали сотилаётгани, Нью-Йорк биржасида пахта нархи ошиб бора-

ётгани, галлачиликда ҳам бозор муносабатлари ҳисобига фермерларнинг даромади 2 баробар ортгани қайд этилди.

— Агар деҳқон ва фермерни иқтисодий манфаатдор қилсак, улар давлат маблағисиз ҳам ишлай оладиган вақтлар келади. Менинг мақсадим шу, — деди давлатимиз раҳбари.

Манфаатдорлиқни янада ошириш учун бу йил пахтачиликда бўлгани каби галла етиштиришда ҳам имтиёзли кредитни тўғридан-тўғри фермерга бериш тизими жорий қилинади. Бундан ташқари, давлат ресурси учун харид қилинган бугдойни даладан ташиб келиш ва сақлаш харажати ҳам тўлиқ бюджет ҳисобидан қопланади.

Фермер ҳўжаликлари барқарорлигида харажат камлиги ҳам муҳим. Шунинг учун минерал ўғитлар таннархини бу йил 15 фоизга камаййтириш, уларни биржага етарлича чиқариш, яна 70 та туманда ўғит омборлари ташкил қилиш бўйича топшириқлар берилди. Бундан ташқари, минерал ўғит сифати ва шартномаси алоҳида назоратга олинади. Фермерларга ўз ҳисобидан ўғит сотиб олиш бўйича қулайлик яратилади. Жойлардаги омборлардан минерал ўғитни ташини учун транспортни логистика порталида мажбурий рўйхатдан ўтказиш тартиби бекор қилинади.

Соҳада ҳисоб-китоб интизоми таҳлил этилар экан, кластерларнинг фермерлар олдидаги қарздорлиги ҳали тўлиқ тўланмагани айтилди. Бинобарин, энди янги тизимга кўра, олдинги қарзини 1 апрелгача тўлиқ тўламаган кластер билан фьючерс шартномаси бекор қилинади ва фермерга пахтани биржада сотишга рухсат берилди. Маълумотни электрон платформага киритган ва фьючерс шартнома имзолаган фермерга кредит кўпи билан ун кун ичида ажратилиши шарт қилиб қўйилди.

### Келажак шартномаси

Ақсарият ҳолларда фьючерс шартномалари товарни узил-кесил харид қилиш ёки сотиш мақсадида эмас, балки келгуси йилга нақд товарни рамаш ёки уни кейинчалик қайта сотиш ҳисобидан фойда олиш учун тузилади. Ҳали ишлаб чиқарилмаган товарнинг намуналари бўйича олди-сотди битимларини ҳам фьючерс, деб атасак бўлади. Эркин бозорда фьючерс то мўддати кўндала қадар биржада макерлар томонидан кўп марта қайта сотилиши ва харид қилиниши мумкин.

— Энди маҳаллий фермер ва кластерлар ҳақиқий бозор муносабатларига ўтяти, пахта хомашёси учун нархлар эса бозор тамойиллари натижасида фақат талаб ва таклиф асосида шаклланипти, — дейди “Ўзбекистон Республика товар-хомашё биржаси” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Зулфиддин Камолов. — Президентимизнинг 2021 йил 17 мартдаги “Юқори ликвидли ва монопол товарларни сотиш жараёнида бозор механизмларини жорий этишни даром этириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини ҳамда 2021 йил 14 сентябрдаги “Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига

мувофиқ, Товар-хомашё биржаларида фьючерс савдоларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланган. Унда фьючерс савдоларини ўтказиш, товарларнинг бозор нархи шаклланишини таъминлаш ҳамда томонлар ўртасида ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби, мазкур савдоларда иштирок этиш бўйича биржа аъзолари ва уларнинг трейдерларига қўйиладиган талаблари белгиланган. Фьючерс шартномаларини тузиш ва ижроси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал этиш йўллари кўрсатиб берилгани ҳолда, савдолар жараёнида нарх манипуляциясига йўл қўймайлик назарда тутди. Бундан ташқари, фьючерс савдолари иштирокчилари устидан назоратни амалга ошириш, қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилган ҳолатларда биржа аъзоларига нисбатан чоралар кўриш ҳам ўрин олган.

Ушбу молиявий восита бир қатор афзалликларга эга. Биринчи навбатда, нархлар ўзгаришини суғурталаш бўлиб, бу, айниқса, фермерлар учун қулай молиявий таянч ҳисобланади. Иккинчидан, тадбиркорларга қўшимча даромад сифатида ҳам паст, ҳам юқори нархларда даромад келтиради. Бу, ўз навбатида, нархларнинг барқарорлашувига ёрдам беради. Натигада ушбу бозор механизми туфайли корхоналар ўз фаолиятини самарали ва аниқ режалаштириши, ишлаб чиқаришини кенгайтириши ҳамда янги иш ўринлари яратиши мумкин.

Айтиш жоизки, бозорда нархларни барқарор ушлаб туришнинг энг самарали усули бозор воситалари ва механизмларидан фойдаланишдир. Биржа савдолари эса айнан ушбу вазифани ўз зиммасига олади.

Шу нуқтан назардан, товар-хомашё биржасида савдолар шаффофлик тамойили асосида ўтказилади, нархлар фақат талаб ва таклиф асосида шаклланади. Шунга кўра, 2022 йилдан бошлаб ЎЗРТХда савдолар фьючерс шартномалари бўйича ташкил этиб келинапти. Бу эса тадбиркорларнинг товар ресурсларидан эркин фойдаланиш имконияти кенгайтиришга, ҳақиқий бозор нархлари шаклланиши ва соғлом рақобат ривожланишига хизмат қилмоқда.

Ўтган йили маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан 1,6 миллион тонна бугдой биржа савдолари орқали барча тадбиркорлик субъектларига эркин сотилди. Бунинг ҳисобига маҳаллий кластер, фермер ва деҳқон ҳўжаликлари томонидан қўшимча 30,2 миллиард сўм даромад олинди.

Эршилган ушбу ижобий натижалар бозор механизмининг қишлоқ ҳўжалигининг бошқа соҳалари, жумладан, пахтачилик тармоғида ҳам жорий этиш учун ишончли замин яратяпти.

— Президентимизнинг 2023 йил 12 декабрдаги “Қишлоқ ҳўжалигида эркин бозор муносабатларини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига кўра, пахта хомашёси илк бор Республика товар-хомашё биржасининг алоҳида секциясида фьючерс шартномалари асосида сотилиши йўлга қўйилди, — дейди биржа бош маклери Исроҳимов. — Бу, ўз навбатида, пахта хомашёси нархи шаффофлик ва бозор тамойиллари асосида шаклланишини таъминлади. Мазкур бозорда рақобат муҳити ривожланишига кўмак берди. Хусусан, 2024 йил январь-февраль ойларида қарийб 28 мингта фермер ҳўжалиги томонидан фьючерс шартномаси асосида 1 миллион 703,3 минг тонна пахта хомашёси биржа савдоларига қўйилди ва улардан 1 миллион 700,5 минг тоннаси, яъни 99,8 фоизи сотилди.

Ўтказилган биржа савдолари натижасига асосан, пахта хомашёси ўртача нархи маҳсулотнинг бир тоннаси учун 8 миллион 285 минг сўмни ташкил қилди. Бунда пахта хомашёсининг биржада шаклланган нархи аукцион эвазига унинг бошланғич баҳоси (7800,0 минг сўм)га нисбатан ўртача 6,2 фоизга ўсди.

Фьючерс шартномаларидан ортиқ етиштирилган пахта хомашёси 2024 йил ноябрь ойидан бошлаб биржа савдолари орқали спот шартномалари асосида сотилади.

Яшил энергетика

ҚУЁШ ВА ШАМОЛ ТУҲҒАСИ

Навоий вилоятининг Томди туманига йўлингиз тушса, Қизилқум саҳроси кенгликларида шамол узмига бўйсуниб айланаётган улкан парракларга кўзингиз тушади. Ушбу манзилга борар экансиз, йўл-йўлакай Кармана туманидаги йирик қуёш электр станцияси ҳам эътиборингизни тортиши аниқ. Бу йирик лойиҳалар Ўзбекистон энергетика тизимидаги ислохотларни кўз-кўз қилаётгандек, гўё.

Кармана туманидаги қайта тикланувчи энергия манбалари асосида электр энергиясини ишлаб чиқарадиган қуёш электр станцияси ўртача 5 та туманининг эҳтиёжини қоплайди. Станцияда ишлаб чиқарилаётган электр энергияси юртимизнинг барча ҳудудларини ўзаро боғловчи юқори кучланишли тармоққа қўлади.

Қуёш электр станцияси йилига 252 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқаради ва 80 миллион куб метр табиий газни тежаш ҳамда атмосферага 160 минг тонна иссиқхона газини чиқаришини олдини олади. Бу эса, том маънода, Ўзбекистоннинг “яшил иқтисодиёт”га ўтишига биринчи қадам бўлди.

Комплексни ишга туширишда 110 миллион долларлик сармага ўзлаштирилди, 300 минг қуёш панеллари ўрнатилди ва станциянинг қуввати 100 мегаваттга ташкил этади. “Nur Navoi Solar” деб номланган лойиҳа Бирлашган Араб Амирликларининг “Masdar” компанияси томонидан амалга оширилди.

2023 йилнинг 27 декабрь кунли Президентимиз Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё, Навоий, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида жами 2,4 гигаваттлик қуёш ва шамол электр станцияларини фойдаланишга топшириш ва тармоққа улаш ишларига старт берди. Улар орасида Томди туманида қурилган шамол электр станцияси ҳам бор.

2019 йил март ойида давлатимиз раҳбарининг Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташрифи доирасида “Abu Dhabi Future Energy Company PJSC — Masdar” компанияси билан мамлакатимизда умумий қуввати 500 МВт бўлган шамол электр станциясини лойиҳалаш, молиялаштириш, қуриш ва эксплуатация қилиш лойиҳасини бирга-лиқда амалга ошириш бўйича битим имзо-ланган эди. Ушбу битим асосида 2020 йил



22 декабрда Президентимизнинг “Навоий вилоятда қуввати 500 МВт бўлган шамол электр станциясини қуриш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор ижроси доирасида Навоий вил-оятининг Томди туманида 293 гектар майдонда Марказий Осиёдаги энг йирик шамол электр станциясини қуриш ишлари олиб боришмоқда. Таъкидлаш жоиз, ушбу ҳудуд шамол электр станцияси қуриш учун бежиз талланмаган. Сабаби, бу ерда шамол тезлиги сонияда 20-30 метргача етади. Бу эса тизимнинг барқарор ишлашида муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур йирик лойиҳа учун “Masdar” ва Хитойнинг “Голдвинд” компаниялари ўртача 111 та турбинани етказиб бериш бўйича шартнома имзоланган. Шу асосда шамол электр станцияси учун Хитойнинг Ланжоу шаҳридан турбина ва генераторлар махсус транспорт воситалари ёрдамида Навоий вил-оятига олиб келинди. Уларнинг баланди-лиги 97 метр, ҳар бир парракнинг узунлиги 77 метрни ташкил этади.

— Бу ҳудуд шамол станцияси фаолияти учун жуда қулай ҳисобланади. Аслида, верти-кал ўқли шамол генераторлари шамол тезлиги 2,5 тақсим секунд бўлганда ҳам ишга тушади. Бу ерда эса шамол тезлиги 4 ярим тақсим секунда тенг. Биргина шамол турбинасининг овирлиги 25 тонна бўлиб, 4,5 мегаватт электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга. Биз ушбу ҳудудга мана шундай турбиналардан 111 дона ўрнатамиз. Ҳозирги кунда бу ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда, — дейди хитойлик мутахассис Ли Чанг Чен.

Ушбу шамол электр станциясида 2023 йил-нинг июнь ойида биринчи шамол турбинаси

ўрнатилган бўлса, ҳозир уларнинг сони 30 дан ошди. Мазкур мега лойиҳанинг умумий қиймати 600 миллион доллар бўлиб, 100 фоиз хорижий инвестиция ҳисобидан амалга оширилмоқда. Шамол электр станцияси қурили-шининг биринчи босқичи 2023 йил охирида тармоққа уланishi режалаштирилган эди ва белгиланган вақтда амалга оширилди.

Шамол электр станцияси қисқа фурсатда 31 миллион 181 минг 715 кВт соат электр энер-гияси ишлаб чиқарди. Бунинг натижасида 9,4 миллион кубометр газ тежади ва атмосфера-га 13 минг тонна зарарли газлар чиқаришини олди олинди. Маълумот учун, ушбу ҳажмдаги электр энергияси 155 минг 908 та хонадоннинг бир ойлик истеъмолига етади.

Таъкидлаш жоиз, мазкур станциянинг навбатдаги 200 МВт қуввати 2025 йилда тўлиқ қувватда ишга туширилади. Шамол электр станциясининг қурилиши давомида 800 тагача ва ишга тушадиган сўнг 30 та янги иш ўрни яратилади.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда янги энергетика тизимини яратиш, бу борада йи-рик лойиҳаларни амалга ошириш, иқтисо-диёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энер-гия самарадорлигини ошириш, бу жараёнда тежамкор ва қайта тикланувчи манбалардан фойдаланишни ривожлантириш борасида белгилаб берилган вазифалар изчил амалга ошириляпти.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,  
“Янеи Ўзбекистон” муҳбири



Миллат фидойилари

# ЕТИМ БОЛАЛАР МАКТАБИ нега ёпишган?

## ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙНИНГ МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ҲАРАКАТИ



Азимжон ДАВРОНОВ, филология фанлари бўйича фалсафа доктори

XX асрнинг 20-йилларида ўзбек адабиёт-шунослиги фани таркибида ҳамзашунослик деган илмий йўналиш пайдо бўлган. Ушбу йўналиш, ўз навбатида, бир неча фан бўйича янги тармоқларни пайдо қилган. Яъни адиб-нинг ижодий мероси ва ижтимоий-сиёсий фаолияти нафақат адабиётшунос, балки тилшунос, тарихшунос, педагог, файласуф, муסיқашунос, санъатушунос (театршунос)лар томонидан ўрганилган ва ўрганиб келинмоқда.

Ҳамза 1910 йилда Тошкентга келади. Жадид мактабларидан бирига кириб ўқийди ва муаллимлик гувоҳномасига эга бўлади. Сўнг Қашқар дарвоза маҳалласида “усули савтия” мактабини очади ва муаллимлик фаолиятини бошлайди. 1911 йилда Қўқонга кетади. Шаҳарнинг Ҳожибек гузарида янги усулдаги мактаб очади ва бир йилча фаолият юритади. Шу билан бирга, камбағал оилаларнинг болаларини текин ўқитиш учун “Ёрдам жамияти” ташкил этади. Жамият ёрдамида катта ёшли кишиларни ўқитиш учун 2-4 ойлик кечки мактаб ҳам очади. Бу ҳақда Ҳамза ўзининг таржимаи ҳолида қуйидагиларни ёзади:

“1910 йилда Қашқар дарвоза маҳалласида биринчи марта усули савтия мактаби очдим. Шу кундан муаллимликка киришдим. 1911

йилда Ҳўқонда очиб, бир йил давом этгандан кейин, 50 сўм ақча тўллаб, Афғонистон, Ҳиндистон, Макка, Мадина, Шом, Байрут билан саёхат қилиб, Истамбулга ўқшига келган бўлсам ҳам, ўзим қочиб борган учун, отам ҳамда бир рус қизидан уйланган оилам юборган очулик хатларидан кўрқиб, қайтдим”.

1914 йилда Ҳамза чет эл сафаридан қайтади ва Қўқоннинг Беквачча маҳалласида камбағал оилалар фарзандлари учун янги усулдаги “Мактаби дор ул-айтом” (етим болалар мактабини) очади. Бу мактабнинг 1-синф ўқувчилари учун “Енгил адабиёт”, 2-синф ўқувчилари учун “Ўқиш китоби”, “Қироат китоби” дарсликларини ёзади. Улар ўқувчилар ёшига мос, содда, тушунарли тилда ёзилган эди. Ҳамзанинг мазкур дарсликларга киритилган шеърлари, қизиқарли масал ва ҳикоялари ўзбек болалар адабиётини бошлаб беради. “Мактаби дор ул-айтом”нинг фаолияти узоққа чўзилмайдми. Мактаб очилганда энди 4 ой бўлганда шаҳар ички ишлар бўлими томонидан тинтув қилинади.

Муассаса фаолияти болалар учун хавфли деб топилади ва ёпиб қўйилади. Бу ҳақда шoirнинг ўзи таржимаи ҳолида бундай ёзади: “Марғишондан яна Ҳўқонд келиб, бир қанча ўзимга яқин кишилар тўплаб, уларнинг ёрдами билан йўсул болалар учун пулус ўқутуш мактаби очдим. 20-30 кундан кейин 15-16 киши бир ойгина ёрдам берди; ўзим

4 ойча давом эттиргандан кейин уяз начальни (Мейинский) томонидан тинтув бўлуб ёпишди. Лекин ҳеч бир қозғаларим қўлга тушмагани учун қамалмай қўтулдим. Ҳозирда ҳам шу йона варақалар имзолар билан сақланадур”.

Тиниб-тинчимеган адиб мактаб фаолиятини сақлаб қолишга қанчалик ҳаракат қилмасин, барибир ёпилади. Шундан сўнг аҳоли орасида мажлислар қақчириб, “Ғайрат” номли кутубхона ташкил этади. Бу ҳақда унинг ўзи таржимаи ҳолида ёзади:

“...Ундан сўнг кечки курс давом эттируб юруб, 1915 йилда яна мажлис қақчириб, китобхона, қироатхона каби масалаларни ҳал қилиб, “Ғайрат” исминда китобхона очтирдим. Бундин мақсад бузғунгача ёзилган асарларими баъзиларин ўз сармоям билан босдирган бўлсам ҳам, улар майдароқ бўлуб, бошқаларин шул китобхона исминидан босдириш эди. Лекин китобхонамиз очилгандан сўнг 1910 йилдан бери меним мажлис ва мактабларимга бутун кучи билан қарши келиб турган боёвчанча уснурлар кириб қолиб, асарларим уёнда турсин, ўзимни ҳам суруб чиқардилар. Ҳозирда материализм билан бирга биливчи ҳаёт кишилар ҳаммалари деярлик бодур. 1917 йилгача асарларимни босдириш, асар ёзиш, газеталар мақола ёзиш, лошмон воқеалари ҳақида турли мажлислар қилиш билан давом этдим”.

Ҳамза “Садои Фарғона” газетасининг 1914 йил 17 сентябрь сонида “Мактаби дор ул-айтом” ҳақида мақола эълон қилади. Мақолада мактабнинг номи, мақсади ва вазифалари ҳақида маълумот беради. Мақоланинг кириш қисмида мана бундай фикрлар бор: “Биз келдик масжид, ё мадраса, ё мактабхоналар масаласина. Мана, Мисрда “Жоме ул-азҳор”, Истанбулда “Султон Аҳмад”, Шомда “Жомеи Улавиа” ёҳуд мактаблар, Қозонда “Муҳаммадия”, Оренбургда “Хусайния” ва алҳосил ҳар бир мамлакатда бўлган ҳар бир мадраса, масжид ва мактабхоналарни ўзига махсус бир исмлари воридири, Ғарбда, Шарқда ўлсун қўлига газета тутган кишилардан юқоридоги мактаб ва мадрасаларни кўрмаганлари бўлса ҳам эшитмаганлари ва унвонини билмайдурганлари камдир... Мана, бизда буларга қиёсан Беквачча маҳалласидаги мактабимизни “Дор ул-айтом” унвони билан юртумакни изтиҳод этамиз. Демак, “Дор ул-айтом” ўлмоғига бир оз сабаб ёзуб ўтмоқда лозим келди”.

Мақоланинг мазмунидан аниқлаш мумкинки, Ҳамза чет эл сафаридан юрган кезларда Миср, Истанбул, Шом, Қозон ва Оренбург шаҳарларида чиройли ва мазмунли номи, самарали ўқитиш тизими билан машҳур бўлган мактаблар фаолияти билан яқиндан танишган. Ҳамза ҳар бир мактаб, у дунёнинг қайси давлатида бўлмасин, ўзининг ўқитиш тизими, тарбияланган камолга эришган ўқувчиси билан машҳурлик мақомини ушлаб туришини истаган. Ана шундай мактабни ўз юрти — Қўқонда ҳам очилиши оруз қилган. “Мактаби дор ул-айтом”ни ана шу оруз ва мақсад йўлида очган десак, тўғри бўлади.

Етим ва камбағал оилалар болаларини саводли қилишга бел боғлаган Ҳамзанинг маз-

кур мақоласини таҳлил қилар эканмиз, мактаб ишини ривожлантириш мақсадида қилинган мана бундай мазмундаги тарғиботларини ўқиймиз: “Дор ул-айтом”га Ҳўқоннинг ҳар тарафидан ўлсин фақир болалар шубҳасиз қабул қилинадур. Фақат дафтар, қаламдан бошқа китобларгача ҳатто мактабдан бериладур... Токи шояд ҳар бир газетани қўлига олган ислом қардошларимиз исломияларни ўйғониб, иона ҳаваси ва фақирларнинг тарбия орузси кўнғилларига тушса, хусусан боён ва ахли давлатларимизни(не)”.

Ҳамза очган мактабнинг бошқа жадид мактабларидан фарқи камбағал ва етим болаларга беғул таълим берилиши ва ўқув куруллари билан таъминланишида эди. Адиб шундай эзгу мақсадни кўзлаган ва бу ишга ўттиз, қирқ, эллик тийин моддий ёрдам берган кишиларнинг исм-фамилиясини газетада эълон қилиб рағбатлантириб борган ва бу рағбат орқали уларнинг сонини кўпайтириш умидида бўлган.

1914 йил декабрида “Садои Фарғона” газетаси муҳаррири Охундийнинг ёрдами билан Ҳамза Марғилонда мактаб очади. Лекин бу мактаб ҳам саккиз ойдан сўнг Скобелев (Фарғона) маориф раҳбари томонидан ёпилади. Бу ҳақда шoir бундай ёзади: “1914 йилнинг охириларида ҳозирги “Фарғона” газетасининг муҳаррири ўртоқ Охундийнинг ғайрати билан Марғилонда мактаб очдим. Саккизинчи ойгача бормай, Андреев исминдаги Скобел маориф раҳбари томонидан мактаб ёпишди. Бунга сабаб Марғилонда аввалдин давом этиб турган мактаб ҳамда туземний рус мактаби муаллими Қудратилла қорининг

Андреевга бериб турган ахборидир...”. Ҳамза очган мактаб фаолияти ватандошлар ичидан чиққан айғоқчи томонидан Андреевга етказилган ва натижада мактаб тугатилган.

Шундай қилиб, Ҳамза Тошкент, Қўқон ва Марғилон шаҳарларида қайта-қайта мактаб очади. Улар учун содда ва тушунарли дарсликлар яратди. Бироқ мактабларнинг фаолияти ҳар гал узоққа чўзилмайдми. Чор мустамлакаси мактаб ишига тиш-тирноғи билан қаршилиқ қилади. Маърифатпарварлик фаолиятига тўсиқлар қанча кўпи бўлмасин, Ҳамза умрининг охиригача миллат маърифати йўлида курашдан чарчамади. Унинг ҳар бир ҳаракати миллатни жаҳолатдан қутқаришга қаратилган эди.

Ҳўш, адиб ҳаёти ва ижоди ёки педагогик рисоалари, ўқитувчилик фаолияти янги давр учун қанчалик долзарб?

Ҳамза “Енгил адабиёт”, “Ўқиш китоби”, “Қироат китоби” каби 1-2-синфлар учун яратган педагогик рисоаларида мактабга бориш, китоб ўқиш, мукаммал билим олиш, мустақкам эътиқод эгаси бўлиш, гўзал ахлоқ-одоб ва таълим-тарбияни тарғиб қилди. Бу-гун китоб, газета, журнал ўқийдиган одамлар сони камайиб кетди. Миллатнинг маданияти ва маънавиятини юксалтириш учун китобларга қайтишимиз керак. Мана, нима учун жадидлар яратган ғоялар, асарлар долзарб.

Адиб “Мактаби дор ул-айтом” мақоласида мактабга муносиб ном қўйиш ҳақида фикр юритган. У илгари сурган масалани бутун нафақат мактаб, бошқа ташкилот ва муассасалар номига қиёс қилса, изоҳга эҳтиёж қолмайди.

## Таълим одимлари

# ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИ ЕТУК ВА БИЛИМЛИ ЁШЛАР ҚЎЛИДА



Санобар СУЯРОВА, Жиззах вилояти мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси бошлиғи, Олий Мажлис Сенати аъзоси

### Бошланиши 1-бетга

Мамлакатимизда ўқувчиларга хорижий тилларни чуқур ўргатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда вилоятда 1943 нафар чет тили фани ўқитувчиси бўлиб, уларнинг 904 нафари халқаро тил сертификатига эга. Жорий ўқув йилидан ҳар бир туман ва шаҳарда биттадан мактабда иккинчи хорижий тил ўқитилиши йўлга қўйилди. Тўрт мактабда француз, олти мактабда немис, икки мактабда хитой ва бир мактабда корейс тили иккинчи хорижий тил сифатида ўргатилмоқда. Шунинг самарасида ўқувчи йили умумий ўрта таълим мактаблари битирувчиларининг 543 нафари хорижий тил сертификатини қўлга киритди.

2023-2024 ўқув йилидан бошлаб айрим умумтаълим мактабларимизда касб-ҳунарга ўргатиш амалиёти жорий этилди. Ушбу мактабларда ҳудудга мос касблар ва тадбиркорлик ўргатилмоқда. Бу билан битирувчи йигит-қизлар мустақил ҳаётга муайян бир касбни эгаллаган ҳолда кириб келаётир.

Таълим жараёнида замонавий ёндашув ва илгор хорижий тажрибаларни қўллаш, ўқувчиларнинг қизиқишини инобатга олган ҳолда таълим бериш ҳамда юқори синф ўқувчиларининг фанларга ихтисослашувини кенгайтириш, уларни олий ўқув юртларида йўналтириш учун кенг имконият яратиш — давр талаби. 10 та умумтаълим мактабида юқори синф ўқувчиларини уларнинг қобилияти ва талови асосида ўқитиш билан бу мақсадга эришилиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, 25 та умумтаълим мактабида ихтисослаштирилган мактабларнинг ўқитиш методикаси ва баҳолаш тизими жорий этилди. Ушбу мактабларга вилоятда мавжуд 13 та ихтисослаштирилган мактаб бириктирилган. Жорий ўқув йилида “Зўр” (“Класс!”) лойиҳаси доирасида



ҳамда халқаро оммавий очиқ онлайн (“Ёш дастурчи” code.org), “Бир миллион дастурчи” курсларида ўқитилади. 2024 йилда республика маблағлари ҳисобидан 70 та умумтаълим мактабига 1190 та, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 35 та мактабга 595 дона замонавий компьютер воситалари етказиб бериш белгиланган.

2024-2025 ўқув йилида Президент ва ихтисослаштирилган мактабларнинг ўқитиш ва баҳолаш тизими жорий этилган 25 та мактабнинг ҳар бирига 3 тадан таълим муассасаси бириктирилиб, янги тизим қамровини кенгайтириш чоралари кўрилади. Мактабгача ва мактаб таълим йўналишида малака ошириш тизими мувофиқлаштирилиб, ўқитувчилар малакасини табақалашган ҳолда ошириш тизими жорий этилади. Педагогларга малака тоифаси беришнинг янги тизими йўлга қўйилади.

Бугунги кунда ёш авлодни ватанпарварлик руҳида камол топтириш — долзарб вазифа. Ватанпарварлик эса оила ва мактабдан шаклланади. Ўқувчилар онгига маънавий иммунитетни мустақкамлаш мақсадида буюк аждодларимизнинг бой илмий-маънавий меросини чуқур ўрганиш, ҳарбий ватанпарварлик ҳамда буюк аждодлар жасоратини тарғиб этишга қаратилган маънавий-маърифий тадбирлар мунтазам ўтказиб борилади. Барча давлат умумтаълим мактабларида “Ватан таянчи” отряди ташкил этилади.

Босқичма-босқич ва узоқни кўзлаб олиб борилаётган бундай ишлар таълим сифати ва самарадорлигини ошириш билан бирга, Учинчи Ренессансга мустақкам пойдевор яратишга хизмат қилиши шубҳасиз.

## Замонавий кадрлар



# ЎЗ УСТИДА ИШЛАШДАН ТЎХТАМОҚ МАҒЛУБЛИКДИР

Буюк Британиянинг Йорк университетида давлат бошқаруви йўналишида таълим олганман. У ердаги таҳсил ҳаётимда катта ўзгариш ясади, десам адашмайман. Чет элда ўқиш илмий дунёқарашимни кенгайтириш билан бирга, замонавий билим, илгор хорижий тажрибаларни эгаллаш ҳамда назарий ва амалий кўникмаларни ривожлантиришга замин яратди.

Диёр УМАРОВ, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги бўлим бошлиғи



Ўқиш давомида замонавий давлат бошқаруви усуллари, стратегик режалаштириш, халқаро ҳамкорлик ва халқаро стандартларни ўрганим. Шунингдек, бир-биридан фарқ қилувчи маданият ва миллат вакиллари билан танишиш, дунёнинг турли бурчакларидан келган талабалар билан мулоқот қилиш, уларни янги Ўзбекистонда бўлаётган кенг қўламли ислохотлар билан таништириш имкониятига эга бўлдим. Ёшларни қўллаб-қувватлаш учун давлатимиз томонидан сарфланаётган инвестицияни талаба сифатида тасаввур қилиб ўқишим менга бир неча баробар масъулият юкледи.

Университетдан ташқари ҳаётда ҳам фаол бўлиш хориждаги таълим жараёнининг бевосита ажратиб бўлмайдиган қисми ҳисобланади. “Эл-юрт умиди” жамғармаси, Ўзбекистоннинг Буюк Британиядаги элчихонаси ҳамда Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциацияси томонидан ташкил қилинган турли тадбирларда фаол иштирок этиш ҳамда Ўзбекистон имижини кенг тарғиб қилишга ҳаракат қилдим.

Бўш вақтларда Ўзбек ёшлари учун ўз тажрибамдан келиб чиқиб, хорижда таълим олиш, “Эл-юрт умиди” жамғармаси очиқ танлови ҳамда бошқа грант ва стипендиялардаги танлов ғолиб бўлиш бўйича семинар-тренинглар ташкил қилиб келяман. Шунингдек, “Эл-юрт умиди” жамғармаси билан дунёнинг нуфузли

университетларидан бири — мен таҳсил олган Йорк университети ўртасида меморандум имзоланишига ҳисса қўшдим.

Меморандум имзоланиши натижасида Йорк университетида таълим олган жамғарма стипендиатлари учун **тўлов-контракт миқдоридан 25 фоиз чегирма** белгиланади. Натижада бюджет маблағларини иқтисод қилишга эришилди. Таҳсил олаётган вақтимда университетда илк Ўзбек талабаси эдим, кейинги йилларда талабалар сони бир неча баробар кўпайди.

Айни пайтда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига фаолият олиб бораётман.

Хориждаги нуфузли олий таълим муассасасида олган замонавий билим, илгор тажриба ҳамда кўникмаларимни олий таълим тизимида қўллашга ҳаракат қиламан. Тизимни илгор жаҳон тажрибаси асосида такомиллаштириш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, халқаро рейтингларда маҳаллий олий таълим муассасаларининг ўрнини ахшиллаш, хорижий талаблар ҳамда профессор-ўқитувчиларни жалб қилиш каби долзарб йўналишларда мунтазам тақлифлар ишлаб чиқяман. Бундан ташқари, айни пайтда иқтисод фани бўйича илмий изланиш олиб бораётман.

Мукаммалликнинг чегараси йўқ, ўзининг устида ишлашни тўхтатган инсон мағлубиятга учрайди. Хорижий тилларни ахши ўрганиш, кўпроқ китоб ўқиш, янги ва замонавий билим олишга интилиш ҳамда ўз устида янада кўпроқ ишлаш қилишни янги орузлар, катта мақсадлар сари етаклайди. Бу мақсадлар юрт ободлиги, эл фаровонлиги йўлидаги интилиш ва изланишларга йўл очади.





Хадичахон КАРИМОВА,  
Ўзбекистон Журналистлар  
уюшмаси аъзоси

Фарғонанинг оқ рўмолли Лоласи. Ҳалол ва фидойи меҳнат, шу азиз Ватанга, онажон халқимизга садоқат, самимият ва камтарлик уни юксак мақомларга кўтарди: Ўзбекистон Қаҳрамони, сенатор, жамоат арбоби... санаб, адоғига етиб бўлмасдек. Мана шундай мартабаларни ҳаёда этган меҳнатга қуллуқ.

У борлиқни уйғотгучи аини баҳорнинг аввалида таваллуд топган. Шу кунларда хотираси ҳурмати, босиб ўтган ҳаёт йўли китобини varaқлашга жазм қилдим. Унинг қатларидан Лолахон худди ҳаёт пайтидагидек одамлар истиқболига пешвoз чиқаётгандай!

...Кечаги илиқ ҳаводан асар ҳам йўқ. Эрта баҳорнинг изиган шамол бор бўлсин-да, ҳали барг ёзиб улгурмаган туғлар, ниёл яшилликка ўралаётган тоғлар ҳам чўлининг чийиллаган овозидан зада бўлаётгандай. Ям-яшил бугдойзорлар мавжланаётган кўлдаги қайиқ мисол тўлғонади. Яйдоқ далада ер текислаётган тракторнинг гулдуросини шамол гоҳ олисларга олиб қочса, гоҳ шундоққина олдингизга элтиб ташлайди. Пайкал бошига етган грейдерчиларга ниманидир куйиниб уқтираётган аёлининг қўл телефони жиригилдан чоғи, уни қулоғига тутганича трактордан олислади.

— Йўқ, ҳозир боролмайман, — дейди у бир оз танжанг оҳангда қатъият билан. — Ишининг устида бўлмасам, кўнглим хотир-жам тортмаслигини биласиз-ку. Йўқлигимда арзиманган камчилик чикса, маром бузилади. Ишларни тугатиб олай, кейин барча топириқларни бажаришга ҳаракат қиламан.

Сухбат тугаб-тугамай, яна кимдир йўқлади.

— Лаббай, эшитаман. Ҳа, ҳа, уруғлиқни олиб келиб қўйганмиз. Энг мақбул муддатда экиб олиш чораларини кўряпмиз. Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади.

Велосипедда шошиб келган йигит опага учрайди:

— Шийпонга ўтаркансиз, фермер хўжалигига қўшиб берилган ерларнинг ҳолатини кўргани келишибди.

— Раҳмат, уларни кутаётган эдим, — дея ариқ ҳатлаб, “Дамас”ига ўтирганча ер текислаётган йигитларга юзланди:

— Бўшашманлар, бир йўла ёнилгини ҳам ҳал қилиб келаман. Эртадан экишни бошлаймиз...

Кўз илғамса кенгликларда ҳосилга киратган бугдой бир ёмғирдан сўнг тўқ яшилликка бурканганида занг касаллиги ҳужум қилиб қолди. Лолахоннинг ҳар нарсасига кўзёш тўкадиган одати йўқ. Аммо бу ерда заҳматли меҳнат қилган эркакларнинг ҳам кўзига ёш қалқиди. “Наҳотки, шунча ҳосилни бой бердик”, дейишарди алам билан.

— Ҳой, яхшилар, сизларга нима бўлди? Ҳозир обидийда қилиб ўтирадиган вақт эмас. Бир лаҳзани ҳам бой бермай, зангга қарши кураш бошлаймиз. Кечаси ҳам уйку

Умр деганлари шу экан-да. Вақти келиб, Лолахон ҳақида хотира битаман, деб етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган. Таниганимдан буён она замин билан тиллашиб, диллашиб, сирлашган, қўриқ бағрини ризқ-рўз манбаига айлантириш йўлидаги машаққатли меҳнатда тобланган жисмида алпқомат йигитларнинг шиддати, ғайрати, руҳиятида эса журъати, ҳиммати бор эди-да ўзиям. Деҳқончасига самимий табассум ўйнаган чеҳраси ҳар қандай суҳбатдошни ром этарди. Ким билан мулоқотга киришмасин, Лолахон ҳамманинг дилидагини топиб гапира оларди. Унинг донишмандона бу салоҳиятига барчамиз бирдай ҳавас қилардик.

Йўқ, суспензия сепамиз. Тушқунликка тушмай, ҳамжихат бўлиб ишлаймиз. Бу — элнинг ризқи, ҳаракат қилсак, баракасини кўраимиз.

Унинг гапи барчага далда бўлди. Тинимсиз меҳнатдан сўнг занг чекинди. Гектарлаб ер яшилликка бурканди, бошоқлар донга тўлди...

Булар нафақат сизу биз, балки тиниб-тинчимас, ўн эркакнинг ўрнини босгулик шашту шижоатли, суратию сийратига деҳқонча валломатлик манаман деб турган ер фарзандининг кундалик ҳаётидан баъзи лавҳа, холос.

Фавқулодда вазиятлардан шундай қатъият ва ирода билан қийиб кетган ҳолатлар кўп бўлган унинг ҳаётида. Бўй-бастиди ажиб салобат, юз-кўзиди она заминнинг ўзидек сокинлик акс этган мушфиқ аёлини учратганда жисму жонида Тўмарис матонатини туйгандек бўлардик...



У болалигидан далага, техникага ошуфта бўлди. Бошқаларга ўхшаб кўгирчоқ ўйнамади, дурун пайтида кўзгуга қараб, ўзига оро бермади. Ўқувчилик давридан трактор бошқаришга, мотоцикл ҳайдашга ишқибоз бўлди.

Уруш кўрган Неъматжон ака аввал тракторчи, кейинроқ хўжаликда механик, инженер бўлиб ишламагани, “Ўғилбола” қизининг техникага ишқибозлигига қаршилиқ қилмади. Наима аянинг “Темир-га ишқибозлик қиз болага хос эмас-да. Келаётган совчиларнинг олдида мотоцикл тариллатадимиз?” деган эътирозига жавобан:

— дея хотирлаганди Лолахон. — Кўрдик. Техника анча носоз эди. Таклифларимни айтдим. Дадам бўлимда механик бўлиб ишларди. Кечкурун уйга қайтган, мен айтган тракторни сошлаб қўйганини, эртадан иш бошлайверишим мумкинлигини, ўзи назорат қилиб туришини айтди...

Ўша дамлардан кейин Фарғонанинг Лоласи не-не синоату машаққатга дуч келмади. Аммо ҳеч қачон “воҳ” демади. Чунки бундай дейиш унинг табиатига ёт эди. Ишлайман, деганга қишлоқ хўжалигида бекорчи куннинг ўзи йўқ. Аёл боши билан ер ўзлаштириш, текислаш, чигит экиш, қатор ораларига ишлов

бериш, машинада пахта териш, комбайн бошқариш, пичан ячиш билан боғлиқ барча ишни уddалади.

Донишманд халқимизнинг “юк кўтарган юзага чиқади” деган ҳикмати бежиз эмас-да. Ёш Лоланинг шижоати, уddабуронлиги тез орада эл оғизига тушди. Одамларнинг талаби билан аввал бригадирликка, кейин эса бўлим бошқарувчилигига тавсия қилинди. У бу масъулиятни ҳам қойилмақом қилиб адо этди.

Ўша кезларда чакалзор бўлиб ётган қаровсиз ерни экин майдонига қўшишга алоҳида эътибор берилганди. Бу юмушнинг уddасидан чиқишга манаман деганларнинг ҳам юраги дов бермасди, аммо Лолахон жазм этди. Учмақумларни суриб,

“Лолахон мактабни битириб, техника билим юртида, кейинроқ Тошкентдаги индустрия техникумида ўқиб, механик мутахассислигини эгаллади. Олтиариқдаги билим юртида ёшларга тракторчилик касби кўникмасини бериб юрган пайтда жамоа хўжалигига тракторчиликка ишга таклиф қилишди.

ўрника унумдор тупроқ ётқизиш мақсадида ўзи бульдозер бошқарди. Эчкиэмарлар, полвон йигитларнинг билагидай келадиған илонлар манзил топган овлоқ ерларни ўзлаштириш учун ўзида куч топди, бошқаларни ҳам шунга руҳлантирди. Лолахоннинг шаштига қойил қолган ўша даврдagi раҳбарлари уни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлади. Чўл ерга сув олиб келиш борасидаги таклифига кўра, “Лоланасос” номли янги иншоот қурилиб, ишга туширилди. Шамол йўлини тўсиш учун ихота ўсимликлар экилди.

Бундай кезларда Лолахон ҳафталаб этик ечмади. Аёл бўлиб ойнага бир боқишини

Фарғонанинг оқ рўмолли Лоласи. Ҳалол ва фидойи меҳнат, шу азиз Ватанга, онажон халқимизга садоқат, самимият ва камтарлик уни юксак мақомларга кўтарди: Ўзбекистон Қаҳрамони, сенатор, жамоат арбоби... санаб, адоғига етиб бўлмасдек. Мана шундай мартабаларни ҳаёда этган меҳнатга қуллуқ.

ҳам унутди. Ҳеч қачон нолимади, ортидан эргашаётган, унга ишонаётган ва суянаётган одамларни мақсад сари етаклай билди. Чинакам деҳқон учун ерга ҳаёт бахш этишдан ҳам шарафлироқ иш борми?!

“Пахта иши”, “Ўзбек иши” номи билан аталувчи зуғумнинг аччиқ изгирини Лолахоннинг қалбини ҳам бир музлатиб ўтган. Ўшанда Москвадан келган терговчи “Пахтакор” совхози директори Ҳабибулло Юсупов бўйнига сув насос станциясини қуриб бериш учун Лола Муротовадан пора олганлик айбини қўйишга уринди, бироқ ҳақ гапни айтишдан тоймаган йигирма саккиз ёшли қизнинг кўрқмаслигидан чўчиди чоғи, ниятига етолмади. Ахир ўша даврда қийноқ остида сохта гувоҳлик берганлар тўғрйли қанчадан-қанча айбосиз айбдорлар панжара ортига равона бўлмаганми?!

Зуваласига шижоат қўшиб қорилган, фидойи меҳнатнинг қозонида қайнаган, иқтисодий-снёсий билими, сўзамоллиги ўзига етарли Лолахонга ишонадиганлар қанча бўлса, суянадиганлар ҳам кам эмасди. Бу орада у депутатликка сайланди. Ширкатлар ташкил этилганда энди мингта яқин аъзоси бор хўжалик аъзолари ўзларига етакчиликка Лолахонни танлаб, адашмаганлари галвир сувдан кўтарилганда намоён бўлганди.

Ўшанда Марказий Фаргона қўриқларидаги ҳар бир қаричи ўзига таниш бўлган 700 гектар ғаллазордан 47 центнердан дон, 710 гектар майдоннинг ҳар гектаридан эса 33 центнердан пахта ҳосили олишганди (бу 2005 йилда қўриқ шароити учун энг юқори натижа бўлган).

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар тақозоси билан бошланган фермерлик ҳаракатига Лолахон биринчилар қатори қўшилди. “Ниҳоят, бизда ҳам ер ҳақиқий эгасига топирилар экан-да”, деди у ўшанда.

— Ота-боболаримиз бир кафтгина ерга эгалик қилолмай армон билан ўтиб кетишди, — деганди Лолахон даладаги учрашувларимиздан бирида. — Мана шу далаларнинг бари бугун фермерлар ихтиёрида. Ерининг таомилини билган, дардида дармон излайдиган деҳқонни ҳеч қачон қуруқ қолдирмайди, алдамайди. Адолатпарварлиқни аслида она заминдан ўрганишимиз керак, беранга беради, ер ҳам тирик жон ахир.

Унинг айтишича, минерал ўғитлардан палапартиш фойдаланиш оқибатида тупроқ таркибиди нитрат кимёвий моддаси кўпайиб кетгани ҳосилдорликка жиддий зарар етказди, пахтанинг пишишини ке-чиктириб юборди, ҳосилдорлик камайди. Декабргача ҳам туғларда очилмаган кўсаклар қолиб кетди. Лолахон эса экинлар парваршида маҳаллий ўғитга зўр берди. Ҳозир ҳам издошлари бунга амал қилади. Ғалладан бўшаган кам ҳосилли майдонларга сули уруги селиб, апрелнинг бошларигача ўстириб, сўнг ҳайдаб, тупроққа ара-лаштириб юборишади. Бу кўк масса ерга яхшигина озуқа бўлиш билан бирга, чигит униб чиққунча намлиқни сақлаб, ниҳолнинг баравж ривожланишини таъминлар

экан. Янгиликка интилиш, изланиш ортидан эришилган тажриба бугун ҳам қўллаб келиняпти.

Айни ғалла ўрим-йигими пайтида эл ризқидан маржон таққан тилларанг бугдойзор бошида қилган суҳбатимиз чоғида Лолахоннинг айтган гаплари кўнглим китобига муҳрланиб, ҳар varaқлаганимда, ҳайратимни ошираверади:

— Баъзан меҳнатга берилиб, турмуш қуришни ҳам унутдингиз, деб қолишади, — деганди қўлидаги бошоққа боқиб. — Тақдирим шундай кечганидан нолимайман. Меҳнатнинг ортидан кам бўлмади. Мени элга қўшган ота-онамдан қанчалар қарздор ва миннатдор бўлсам, фарзандидек тутиб, бағримни тўлдирган опам, ҳамиша ёнимда бўлган ҳамкасбларим, елкадошларимдан бир жиҳатдан қарздор ва миннатдорман. Мени Лола Муротова қилиб, юртга танитган шу меҳнаткаш, тўпори, соддадил, ер очиб, уруг сочиб, ҳосил олиб суянганимда суяонган суянциқларим шулар. Ёши улугларини ота-онамдек, қолганларини жигарларимдек яхши кўраман. Ёлғиз отнинг чанги чиқармиди?! Кўксимдаги нишонларим уларники ҳам. Елкадошларимнинг қай бирини айтай?! Уларнинг барчасини тилга олгим келади. Миллиарддер фермер даражасига туграй тўғрйли эришдик-да. Уларнинг 17 фарзандига уйимга айланиб қолган дала шийпонимизда тўй қилиб берганимда кўнги-гиллари қанчалар кўтарилганини кўриб, ўзимнинг ҳам умримга умр қўшилди-да. Одамларнинг кўнглини олмоқ, рози қилмоқдан ҳам улугроқ савоб бор эканми!..

Лолахоннинг жамоаси миллиарддерлар хўжалигига айланишида уларнинг меҳнати катта. Ахир 426 гектар майдонда деҳқончилик қилиш, яхши даромад олиб, бирини икки қилишининг ўзи бўларканми?!

Республика аёлларининг катта анжуманида иштирок этаётган фаргоналиклар олдида келган ушoққина аёл “Мен қашқа-дарёликман, имкони бўлса, Лола опамнинг дуосини олсам, бизга ҳам у кишининг йўлини берсин”, деганди. Ўшанда Лолахон табиатига монанд самимият билан кўзи пирпираб турган ёш фермерни бағрига босиб, унга оқ йўл тилаб, дуо қилганди.

Кўнгли ҳам оқ рўмолидаги опoқ аёлнинг меҳнати давлат миқёсида эътироф этилганлар орасидан ҳам кўзга аққол ташланиб туради. Қадди-баста ўзига ярашган, вазим, деҳқончиликнинг чинакам билимдони, чертиб-чертиб, ҳар бир сўзни худди вонзлардек ўрнига қўйиб сўзлайдиган Фаргонанинг Лоласи эди! Ўша паллада кўнглидан нималар кечган экан-а?

Уфқи кенг, меҳнату машаққати ортидан хазиналар сандигига айланган, бир кун кўрмаса соғинадиган даласини, чор атрофи гулу чаманларга бурканган, Марказий Фаргона чўлларининг қоқ марказида эл-юрт ишқиде беором кунларига бедор туғларга гувоҳ бўлган, катта-кичик меҳмонлар, ҳатто хорижий сайёҳларни кутган, бир пиёла чай тутган қутлуг маскани — мухташам шийлон ҳануз уни ёдга солади. Юрагининг ҳар зарбиди Ватан ишқи гупиллаб уриб турган оқ рўмолли Фаргонанинг Лоласи сиймосида Ўзбекининг, Ўзбекистоннинг фидойи деҳқон қизи тимсоли ҳамиша кўрк-салобат бериб тургандек бўлаверади...



ҒАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКҲР QR-KODNI SKANER ҚИЛИНГ.